



ИЛМИЙ МАҚОЛАДА КАЛИТ СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Салоева Ҳилола Равшан қизи,

“Илм-фан ва инновацион ривожланиш” журналі бош муҳаррири,
ORCID: 0000-0003-0981-8565, e-mail: Saloeva.hilola@mail.ru

Калит сўзлар бирор-бир матнда кўп бора қўлланиладиган, такроран ишлатиладиган, яъни мавзунинг асоси, моҳиятини ўзида жамлаган сўзлардир. Улар керакли матнни интернет тизими ҳамда электрон базалардан қидириб топишга хизмат қилади.

Калит сўзлар турли ҳужжат ва адабиётларда ишлатилса-да, қуйида уларнинг айнан илмий мақолада қўлланилиши ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Илмий нашрлар томонидан илмий мақолага қўйилган талабларда калит сўзларни қўллаш мажбурий шартлардан биридир. Баъзан муаллифлар бу шартни тушунмай, таҳририятнинг расмий талаби деб ўйлашади. Бу мутлақо нотўғри тушунча.

Илмий мақолада калит сўзларни қўллаш муаллиф фойдасини кўзлайди – тўғри тузилган калит сўзлар мақоланинг интернет тизимида топилиши ва ўқувчилар сони ортишини таъминлайди. Мақола қанчалик кўп ўқилса, қидирув натижаларида шунчалик юқори ўринга кўтарилади ва бу, ўз навбатида, унинг оммалашувига сабаб бўлади. Агар илмий мақола Web of Science, Scopus, SciFinder, Google Scholar ва ҳ.к. қидирув натижаларининг юқори ўрнида бўлса, демакки, мақолага иқтибослик кўрсаткичлари ҳам ортади, муаллифнинг h-индекси кўтарилади.

Калит сўзлар илмий мақоланинг семантик ўзаги (асоси, моҳияти)ни ташкил қилувчи тадқиқот мавзусини тавсифлаш ва таърифлаш, илмий иш предмети

ва объекти ҳақида маълумот берувчи тушунча ва категориялар рўйхатидир. Шу боисдан ҳам илмий мақолани тайёрлаш жараёнида мавзунинг семантик ядросига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Калит сўзлар матнни таҳлил қилиш баробарида лингвистик ва математик методларни қўллаш ёрдамида тузилади. Яъни бунда сўзларнинг матнда такрорланиш (математик усул) ёки маъно ва мазмун жиҳатдан мавзуни аниқроқ етказиб бериш (лингвистик усул) жиҳатлари инобатга олинади.

Калит сўзларни тузишда қуйида келтирилган қоидаларни қўллаш тавсия этилади.

Мақолада қўлланиладиган калит сўзлар:

- бир-бирига яқин, аммо айнан бир хил тушунчалар бўлмаслиги керак;
- одатда, 6–8 та атрофида бўлиши лозим;
- айнан сўзлардан тузилмаслиги керак;
- сўз бирикмаларидан ташкил топиши мумкин ва бу мақсадга мувофиқдир. Бунда сўз бирикмалари 2–3 та сўздан ошмаслиги лозим;
- синтактик тузилишга эга бўлмайди ва, одатда, бош келишида қўлланилади;
- неологизмлар, узун сўз бирикмалари, гапнинг уюшиқ бўлакларидан фойдаланилмайди;
- мақола сарлавҳасида қўлланилган сўзларни такрорламаслиги лозим;
- умумийдан хусусийга қараб тартибланган бўлиши, яъни мавзу ва муаммога тегишли калит сўзлардан бошланиб,



тадқиқот объекти ва предметига тааллуқлилари билан тугалланиши даркор;

- деярли барча илмий мақолаларда қўлланиладиган сўзлар, масалан, метод, методология, қонун, илмий, тадқиқот кабилардан тузилмаслиги керак;
- аббревиатуралардан ташкил топганда, улар омоним бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Калит сўзларни тузгандан сўнг уларни интернетда қидирувга бериб, текшириб кўрган маъқул – ушбу калит сўзлар ёрдамида керакли мавзудаги мақолаларни топишнинг иложи борми? Шунда калит сўзларнинг қанчалик тўғри тузилганини аниқлаш мумкин. Агар шунда ҳам калит

сўзларни тузиш муаллиф учун қийинчилик туғдирса, ҳозирги пайтда калит сўзларни тузишда қўлланиладиган онлайн-генераторлар – махсус дастурлардан фойдаланса бўлади. Мазкур дастурларга мақола матни киритилса, калит сўзлар автомат равишда тузилади. Бироқ шунда ҳам уларни текшириб қўллаган маъқул.

Демак, калит сўзлар илмий тадқиқотни тавсифлайдиган ва уни излашда қўл келадиган илмий атамалардир. Улар бошқа тадқиқотчиларга мақолани топишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, айнан калит сўзлар мақолаларни гуруҳлаш, бошқа илмий ишлар орасидан тезда топиш ва мақолаларни кўплаб тадқиқотлар доирасида таснифлаш имконини беради.